

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУСТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ



Рўйхатга олинди
№ 1402-195
2019 йил

Ўзбекистон Республикаси Олий ва
ўрта махсус таълим вазирлиги
2019 йил 1 ноябрь даги
№ 1402-195 сонли буйруғи билан
таълиқланган.

“Педагогика”

йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини
қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг ўқув дастури

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУСТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАХБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури Олий ва ўрта махсус,
касб-хушар таълими йўналишлари бўйича ўқув-устубий бирлашмалар фаолиятини
Мувофиқлаштирувчи кенгашининг

2019 йил 18.10. даги 5 - сонли баённомаси билан маъқулланган

Тузувчилар:

“Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш
босқичида олий таълим вазифалари” модули: с.ф.д., проф.
И.Эргашев, ф.ф.д., проф. И.Саифназаров, ф.ф.д., проф.
М.Қаҳҳорова, с.ф.д., доц. Т.Алимардонов.

“Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг норматив-
хукукий ҳужжатлари” модули: ю.ф.н., доц. В.Топилдиев,
ю.ф.н., доц. Х.Тўйчиева, доц. в.б. А. Раҳмонов.

“Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш”
модули: п.ф.д., проф. Н.Муслимов, п.ф.д. М.Мирсолиева, п.ф.д.
Г.Н.Ибрагимова, катта ўқитувчи Р.Илмухамедов,
М.Матназарова, Н.Хақназарова, А.Тўраев, М.Инназаров,
Д.Қушарбасев.

“Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий,
касбий ахборот майдонини такомиллаштириш” модули:
п.ф.д., проф. Ф. Зокирова, п.ф.д. (PhD) М.Файзиева, п.ф.д.
(PhD) Т.Шоймардонов, ўқитувчилар А.Обидов, И.Чориев,
А.Хошимов, Ғ.Отамуродов.

“Амалий хорижий тилини ўрганишнинг интенсив усуллари”
модули: катта ўқитувчилар Ф.Бойсариева, Н.Джабборова,
Ш.Файзуллоева, У.Гилсова.

“Таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарор
қабул қилишнинг замонавий технологиялари” модули: т.ф.д.,
проф. А.Юлдашев, ис.ф.н. Х.Алимов, ф.-м.ф.н., доц. В.Каримова.
Махсус фаилар бўйича: т.ф.н., доцент Г.Х. Исканова, т.ф.н.,
доцент Д.Р.Қурбаниова, т.ф.д., профессор. Б.З.Абдусаматов

Тақризчилар:

Америка қўлма штагалари, Бруклин тиббиёт коллежи профессори
Д. Зильман Староста
ТТА 2 сон болалар касаликлари кафедраси mudiri, т.ф.д.,
профессор Каримжонов И.А.

Ўқув дастури Тошкент тиббиёт академияси Кенгашининг қарори билан тасдиққа тавсия
қилинган (2019 йил _____ даги _____ сонли баённома).

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги
“Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта
тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-
тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги
“Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар
стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий
таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуksиз малакасини
ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари,
шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада
ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қароридан
белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган
бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати
ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илгор
хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек
амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур доирасида берилмаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог
кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва
уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув
режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни Ўзбекистоннинг
миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари,
таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг норматив-хукукий
ҳужжатлари, илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим
жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий
хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар
негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг
замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив
компетентлигини ривожлантириш, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа
тизимларидан фойдаланиш ва масофавий ўқитишнинг замонавий
шакллари қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва
компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос
хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда
тингловчиларнинг махсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака
ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши
мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қуйидаги
модуллар мазмунини ўз ичига камраб олади:

-педагогларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;
-мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хоржий тилларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш;

-махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илгор хоржий тажрибаларини ўзлаштириш;

“Педиагрия” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интeтрациясини таъминлаш.

Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар:

“Олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари”, “Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш”, “Амалий хоржий тил”, “Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёрлиги ҳамда компетентлиги а қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.Махсус фанлар бўйича тингловчилар қуйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади.

Тингловчи:

-Республикамизда болалар ҳуқуқини химоя қилувчи қонун ҳужжатларни;
-педиагрия соҳасида республикамизда ва хорижда олиб борилаётган илмий-тадқиқотларни ва уларнинг натижаларини;

-болалар касалликларини ташхислаш ва даволаш ҳақидаги янги адабиётлар билан ишлашни;

-кам инвазив диагностика ва даволаш усулларини;

-педиагрия бўйича ЎзРССВнинг замонавий даволаш протоколлари ва стандартларини билишни керак.

Тингловчи:

- педиагрия соҳасидаги касалликларга ташхис қўйишнинг замонавий усулларидан фойдаланиш;

-КТ, МРТ, ПЭТ, фиброскан ва бошқа текширувлар натижаларини интерпретация қилиш;

I. Олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари

1.1. Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари

II. Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат

2.1. Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш.

2.2. Тиббий педагогларда тадқиқотчилик компетентлигини ривожлантириш

III. Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш

3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини такомиллаштириш.

3.2. Тиббиётда рақамли трансформация

IV. Амалий хоржий тил

4.1. Амалий хоржий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари

5.1. Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарор қабул қилишнинг замонавий тенденциялари

5.2. Далилларга асосланган тиббиёт

VI. Махсус фанлар

6.1. Болалар касалликларини ташхислаш ва даволашдаги инновациялар

6.2. Бирламчи профилактикада педиагриянинг замонавий имкониятлари

VII. Малакавий аттестация

Курснинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсининг мақсади педагог кадрларнинг инновацион ёндошувлар асосида ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойиҳалаштириш, соҳадаги илгор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат.

Курснинг вазифаларига қуйидагилар қиради:

- “Педиагрия” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;

Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони 3-илласи билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилди.

“ПЕДИАТРИЯ” ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКА ОШИРИШ КУРСИНИНГ ЎҚУВ МОДУЛЛАРИНИНГ МАЗМУНИ

I. ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ НОРМАТИВ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари.

Ўзбекистон мустақил демократик тараққиётининг миллий тикланиш босқичида жамият ривож ва таълим-тарбия соҳасидаги амалга оширилган вазифалар. Ўзбекистоннинг мустақил демократик тараққиёт йўли. Миллий тикланиш босқичи ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Жамият ривожига демократия моделларининг хилма-хиллиги. Мамлакатимизда демократик ислохотлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Мустақил демократик тараққиёт йўлида эришилган ютуқлар ва умумолар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев демократик ислохотларни изчил давом эттириш тўғрисида ва унинг амалий, конструктив характери. Ўзбекистон тараққиётининг миллий юксалиш босқичида ҳаракатлар стратегиясининг ишлаб чиқиши ва унинг устувор йўналишлари. “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилсин” ғояси. Халқ қабулхоналари ва виртуал қабулхоналар ҳамда Давлат хизматлари агентлигининг ташкил этилиши – мамлакатимизда демократик ислохотларни жадаллаштиришнинг муҳим омилли сифатида. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-Сессиясидаги нутқининг асосий йўналишлари.

Маъмурий ислохотлар концепцияси. 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим ва Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциялари. Ўзбекистон Республикасида Оила институтини мустаҳкамлаш концепцияси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлиса Мурожаатномаларида ижтимоий ривожланишнинг устувор вазифалари.

Илм-фан ва таълим-тарбия – демократик жамият ривожланишининг энг зарурий асоси. Талабалар ўртасида миллий мустақиллик ғоялари асосида маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишларни олиб бориш принциплари. Ёшлар, оила, маҳалла, дин ва хотин-қизлар масалаларига оид давлат дастурларининг асосий йўналишлари. БМТнинг “Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг ҳар қандай шаклларига барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенцияси. Халқаро

- болаларни даволашда Республикаимизда қўллашга руҳсат этилган дориларни тавсия этиш;
- янги фармпрепаратлар, уларнинг самараси ва нојўя таъсирлари ҳақида информацияга эга бўлиш;
- педиатрия соҳасидаги даволаш стандартларидан самарали фойдаланиш;
- болалар касалликларини интегрирлашган усулда олиб бориш кўникмаларига эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- педиатрия соҳасида учрайдиган касалликлар диагностикасида МКБ-10 халқаро касалликлар классификаторидан фойдаланиш;
- ЎзРССВ №225 буйруғига биноан болалар ҳолатини шошилиш баҳолаш ва даволаш;
- юқумли касалликлар, хусусан ОИТС касаллигининг болалар орасида ятроген сабабларга кўра тарқалишини олдини олиш;
- оғир ва асоратли касалликларни даволашда паллиатив тиббиёт қоидаларига амал қилиш;
- соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва болалар эрта ўлимини олдини олишга қаратилган барча чора-тадбирларни бажариш малакаларига эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- педиатрия соҳасидаги илмий хорижий Scopus рўйхатига киритилган журналлардаги мақолалар билан танишиб бориши ва ушбу журналларда мақолалар чоп этиш;
- болаларни парвариш қилиш, рационал овқатлантириш қоидаларига риоя қилиш;
- хорижий тиббиёт муассасаларида малака ошириш натижаларини амалиётга таъбиқ этиш;
- умумий амалиёт шифокори малака талабларига оид амалиётларни самарали ўтказиш;
- ўта хавфли инфекция касалликлар ва уларнинг олдини олишга қаратилган ССВнинг буйруқларини билиш ва аҳоли ўртасида таъбиқ қилиш компетенцияларига эга бўлиши лозим.

Курс ҳажми

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 144 соатни ташкил этади. Ўқув юктамаси ҳажми ҳафтага 36 соат этиб белгиланган. Аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси

нормалар ва ҳуқуқий стандартларга мувофиқ аёлларнинг ҳуқуқларини таъминлашда Хотин-қизлар кўмитасининг роли ва ваколатлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича бешта муҳим ташаббуси.

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари.

Жамиятда ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш. Таълим соҳасини бошқаришнинг ҳуқуқий асослари. Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислох қилиш ҳамда олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари.

Таълим соҳасига оид қонун ҳужжатлари ва уларнинг мазмуни. Педагог ходимларнинг меҳнат муносабатларини тартибга солиш. Коррупцияга қарши курашнинг ҳуқуқий асослари ва унинг олдини олиш омиллари. Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари. Таълим муассасаларида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашнинг ҳуқуқий ва маънавий-маърифий асослари. Халқаро меҳнат ташкилоти, Ўзбекистоннинг Халқаро меҳнат ташкилоти билан самарали ҳамкорлиги. Ўзбекистон ратификация қилган Халқаро меҳнат ташкилоти конвенциялари. Олий ўқув юртлиги профессор-ўқитувчиларининг инсон ҳуқуқлари. Гендер муаммолари ва ўқув жараёнда гендер-дифференциланган хулқ-атворнинг таъсирини ҳисобга олиш масалалари.

Қонуности ҳужжатлари тушунчаси ва уларнинг турлари. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим тизимига оид қабул қилган фармонлари, қарорлари ва фармойишлари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий таълим тизимига тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг таълим-тарбия жараёнини ташкил этишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари. Давлат таълим стандартлари, Кадрлар тайёрлаш тегишли таълим (ихтисос) йўналиши бўйича давлат таълим стандарти, ўқув режалар ва фан дастурлари ва уларга қўйиладиган талаблар. Ўқув режалари ва ўқув фанлари дастурларини такомиллаштириш тамойиллари. Ўқув юктамаларини режалаштириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш методлари. Олий таълим муассасаларида талабалар билиминини назорат қилиш ва баҳолаш.

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби, таълим сифати назорати.

Таълим жараёнини ташкил этишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш амалиёти ҳамда раҳбар ва педагог кадрларнинг қонун ижодкорлиги ва ташаббускорлиги.

II. ИЛГОР ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ

2.1. Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш.

Педагогика ва касб-хунар бўйича муомала қилиш назарияси ва амалиёти. Таълим жараёни қатнашчилари билан ўзаро муносабатларда этика нормалари ва нуқт маданияти.

Инновацион жараёнлар ривожининг замонавий тенденциялари. Таълим сифатини оширишда ўқитувчининг инновацион фаолияти. Инновацион таълимда илгор хорижий тажрибалар интеграцияси. Кредит тизими. ECTS кредитлари: хусусиятлари ва тамойиллари. Ўқув режа ва фан дастурларини такомиллаштириш. Бакалаврият йўналишлари ва магистратура ихтисослари бўйича ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг замонавий методлари. Ўқув машғулотларининг ҳар хил турларини ўтказиш методикаси. Талабаларда танқидий фикрлашни шакллантириш, мустақил ишларини ташкил этиш. Иқтидорли талабалар билан ишлаш.

Педагогнинг креативлиги инновацион таълимнинг муҳим омилли сифатида. Креатив фикрлашга йўналтирилган таълим технологиялари: кейс стади, лойиҳавий таълим, витаген, скампер, дизайн фикрлаш, синергетик таълим ва портфолио технологияларининг дидактик аҳамияти. Педагогнинг инновацион фаолият натижаларини баҳолашга тизимли ёндашув. Педагогик фаолият натижаларининг сифат индикаторлари. Педагогнинг мустақил ўзини-ўзи касбий ривожлантириш стратегиялари. Педагогик квалиметрия.

2.2. Тиббий педагогларда тадқиқотчилик компетенциясини ривожлантириш.

Тиббиёт таълим муассасалари ўқитувчилари тадқиқотчилик компетенциясини. Тадқиқотчилик компонентларини такомиллаштириш даражасининг асосий тавсифи. Тиббий таълим педагоглари тадқиқотчилик фаолиятининг когнитив компонентлари асослари.

Нашр қилинган ишларда статистик таҳлил натижаларини тақдим этишнинг замонавий халқаро тамойилларини.

Тиббий маълумотлар базасини статистик қайта ишлаш. Тиббий педагогларда тадқиқотчилик компетенциясини ривожлантиришнинг асосий қондаларини шакллантириш. Тиббиётда қўлланувчи ўлчов шкаллари. Олинмаган экспериментал маълумотларнинг ўзига хослиги. Статистик қайта ишлаш учун тиббий маълумотлар базасини ташкил этиш. Тадқиқот натижаларини қайта ишловдан ўтказиш учун классификация ва адекват статистик мезонларни танлаб олиш. Статистик ишлов натижаларини интерпретация қилиш.

Тиббиёт тадқиқотлар режаси асосий қондалари. Дастлабки маълумотларни олиш учун қўлланиладиган кўрсаткичлар тавсифи. Маълумотларни классификация қилиш ва статистик қайта ишланнинг асосий усулларини қўллаш. Тиббий таълим педагоглари процессуал фаолияти компоненти. Малакани эгалаш. Тиббий тадқиқотни режалаштириш. Нашр қилинган ишларда тадқиқот натижаларини тақдим этиш. Илмий тадқиқотчилик ишларида келиб чиқадиган муаммоларни таҳлил этиш. Олинган маълумотлар юзасидан фикрлай олиш ва хулосалар чиқариш. Ўз тадқиқот натижаларини оммага тақдим этиш.

III. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНЛАРИДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚўЛЛАШ

3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини такомиллаштириш.

Ахборот – коммуникация технологиялари ва уларни таълим жараёнида қўллашнинг дидактик имкониятлари, ахборот тизимлари, шахснинг таълим, тарбияси ва ривожланишида замонавий ахборот технологиялари ва тизимлари. LMS тизимлари – педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини такомиллаштиришнинг воситаси. Web-технологиялар, унинг хусусиятлари ва таълим жараёнида қўлланиши. Булутли технологиялар. Google булутли хизматларидан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнини ва ахборот таълим майдонини такомиллаштириш.

Педагогик дастурий воситалар (AutoPlayMedia Studio, CourseLab, iSpring Suite, Hot Potatoes ва бошқ.) дан фойдаланиб мультимедiali ўқув курсларини яратиш.

Медиакомпетентлик, педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини Scopus, ScienceDirect, Mendeley тизимлари асосида такомиллаштириш.

3.2. Тиббиётда рақамли трансформация

Рақамли трансформация тушунчаси ва унинг тиббиётдаги ўрни. Рақамли тиббиёт. Тиббий муассасада рақамли ахборотларни бошқаришнинг дастурий таъминоти. Беморларни электрон рўйхатга олиш тизимлари (Medesk, MEDODS, Инфоқлиника, Repovatio, Clinics365, МЕДМИС, MedWork, МедОфис, Smart Медицина, МедАнгел). Тиббий маълумотлар: уларни тўплаш, сақлаш ва ишлатишда рақамли технологиялар. Тиббиётда илмий тадқиқот жараёнларида олинган натижаларни ахборот технологиялари ёрдамида қайта ишлаш, статистик анализ қилиш (MS Excel, SPSS дастури). Интерактив симуляторлардан тиббий таълимни ташкил этишда фойдаланиш

(ZugoteBody, MOOC лардан фойдаланиш). Телемедицина ва унинг тиббиётдаги ўрни.

IV. АМАЛИЙ ХОРИЖИЙ ТИЛ

4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

Хорижий тилни ўрганишдаги замонавий ёндашувлар. Коммуникатив методлардан самарали фойдаланиш. Хорижий тилни ўрганишда грамматиканинг аҳамияти (грамматика ва лексика – В1, В2). Маданиятлараро мулоқот компетенцияси (Ўзбек ва хорижий тилда сўзлашувчи халқлар маданияти, урф-одаглари, анъаналари ҳақида чет тилида гапира олиш). Сохага йўналтирилган тил кўникмаларини ривожлантириш, мутахассислик фанларини хорижий тилда ўқитишни лойihalаштириш. Илмий тадқиқотларга йўналтирилган тил кўникмаларини ўзлаштириш, илмий мақолаларнинг резюмесини тайёрлаш, хорижий адабиётлар билан ишлаш. Хорижий мутахассислар билан мулоқот стереотиплари. Электрон хатлар ёзиш, хорижий тилда тақдимотлар тайёрлаш. Тил кўникмалари диагностикасининг ассесмент технологиялари.

Кундалик ва ижтимоий ҳаётга оид мавзулар, тили ўрганилаётган мамлакатлар маданияти ва анъаналари, Ўзбекистон ҳақида, мамлакатимизнинг машхур инсонлари тўғрисида қисқача маълумот, резюме тўлдириш, оммавий ахборот воситалари, маданий ҳордиқ, телефонда суҳбат, саёҳат ва туризм, транспорт соҳаси, кашфиётлар, санъат, фан ва таълим соҳаси, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, даврнинг энг долзарб муаммоларини ўрганиш, муҳокама ва таҳлил қилиш.

V. ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛ ВА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ АСОСЛАРИ

5.1. Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарор қабул қилишнинг замонавий тенденциялари

Тизим, тизимли таҳлил ва тизимли ёндашувнинг мазмун-моҳияти. Олий таълим тизими: таркиби, мақсад ва вазифалари. Педагогик жараён ва унинг тузилмавий асослари. Ўқув фанлари мазмуни ва уларни ўқитишдаги изчиллик асослари. Педагогик фаолиятда муаммолар: бакалаврият ва магистратура таълим дастурларида изчиллик ва мослашувчанликни ташкиллий ва методик таъминлаш; кадрлар буюртмачилари ва меҳнат бозори эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режалари ва фанлар дастурларини шакллантириш; кадрлар тайёрлаш сифатига таъсир кўрсатадиган омиллар; таълим, фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялаш; иқтидорли талабаларни қидириб топиш, танлаш ва улар билан ишлаш методлари. Тизимли фикрлаш.

Педагогик тизимда тахлилий фаолият. Аналитик ва сифатли усуллар. Педагогик фаолиятда тизимли тахлил усуллари.

Қарор қабул қилишнинг мазмун-моҳияти, тамойиллари ва унга нисбатан бўлган ёндашувлар. Педагогик жараёнда қарор қабул қилишга қуйиладиган талаблар, унинг турлари ва психологик жиҳатлари. Педагогик фаолиятда қарорнинг шаклланиши, қабул қилиш босқичлари ва ихросини таъминлаш. Олий таълимда менежмент ва маркетинг асослари.

5.2. Далилларга асосланган тиббиёт

Далилларга асосланган тиббиётни замонавий тиббиётда ўрни. Тиббий тадқиқотларни асосий дизайнлари. Илмий тадқиқот дебочаси. Илмий тадқиқот асосий категориялар ва тупунчалар. Клиник тадқиқотлар босқичлари, клиник тадқиқот усуллари классификацияси. Ёзма, аналитик тадқиқот усуллари. Клиник – экспериментал тадқиқотлар. РКИ, Систематик шарх ва мета-тахлил. Рандомизирланган тадқиқотларнинг олиб бориш усуллари. Таъсир этиш. Солиштириш. Тадқиқотларни олиб боришда “никоблаш” усулини қўллаш. Никоблаш усуллари. Систематик шархлар тузишнинг босқичлари, мақсади. Натижаларни баҳолаш усуллари аниқлаш. Олтин стандарт. Асосланганлик даражаси ва тавсиялар пирамидаси. Интернетдан ишончли ахборотларни кидириш. Клиник протоколлар ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш. Педагогик ўқув жараёнида (PBL) муаммоли ўқитишни тиббиёт мактабларида ривожланиши, клиник муаммоларни яратиш ва далилларга асосланган маълумотларга асосланиш. Клиник қўлланмалар тахлили. Касалликлар скрининги. Профилактика ва скрининг. Профилактика даражалари. Бирламчи, иккиламчи, учламчи профилактика. Даврий текширувлар мақсади. Замонавий таълим тизимида ДАТни ўрни ва интеграцияси.

VI. Махсус фанлар

6.1. Болалар касалликларини таъхислаш ва даволашдаги инновациялар

Кенг тарқалган ва иқтимоий муаммо ҳисобланган болалар касалликларини барвақт аниқлаш ва даволаш. ССВ томонидан тасдиқланган замонавий диагностика ва даволаш протоколлари. Педиатрияда янги гуруҳ препаратларини қўллаш истикболлари. Педиатрия буйича янги стандартлар, антенатал ва постнатал диагностика. Скрининг текшируви. Генетик касалликларни эрта аниқлаш, инсон геноми тушунчаси. Касалликларни таъхислашда полимераз занжирли реакция, иммуноблот, усма некрози омили, фиброскан, денситометрия, ПЭТ текширувларининг аҳамияти.

Болаларда инфекция касалликларнинг кечиши, замонавий даволаш усуллари. ОИТС касаллиги, антитретовирус терапия принциплари. Паллиатив медицина, оғир ва асоратли касалликлари реабилитацияси. Болаларда асаб тизими (церебрал фалаж, эпилепсия, аутизм, перинатал энцефалопатия) оғир шикастланишини даволаш. Шошилиш ёрдам марказлари иши билан танишиш. Болалар касалликларида эндозвиуал жаррохлик усуллари кўлланилиши. Республикамизда болалар ўлими сабабларини аниқлаш ва олдини олиш.

6.2. Бирламчи профилактикада педиатриянинг замонавий имкониятлари

Педиатрияда касалликларнинг социал-демографик муаммолари, уларнинг ечимлари ва профилактика йўллари аниқлаш. Болалар касалликларини олдини олишда иммунизациянинг роли. Иммунизация янгиликлари ва муаммолари билан танишиш. Республикамиз эмлаш календарининг афзалликлари ва камчиликларини солиштирма тахлил қилиш. Дунёда қўлланилаётган янги вакциналар. Ўта хавфли инфекцияларнинг тарқалишини олдини олиш. Иммуномодуляторларни қўллаш муаммолари. Ген инженерияси йўли билан кашф этилган препаратлар. Моноклонал антитаналар, антилейкотриен препаратлар. Антибиотиклар, антивирус препаратлар ва иммунодепрессантларнинг янги авлодлари. Аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш. Соғлом турмуш тарзини шакллантириш. Семизлик, метаболик синдром, қандли диабет касалликларининг олдини олишда диетологиянинг аҳамияти.

VII. Малакавий аттестация

Тингловчиларнинг малакавий аттестацияси касбий, ўқув-методик ва илмий-методик фаолияти натижалари (электрон портфолиода қайд этилган кўрсаткичлари), якуний тест синовлари ҳамда Аттестация комиссиясида битирув иштини ҳимоя қилиш асосида ўтказилади.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил

холда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, таркатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

Мустақил малака оширишни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Мустақил малака ошириш куйидаги шаклларни ўз ичига олади: очик ўқув машғулотлари ва маҳораг дарсларини ташкил этиш; иқтидорли ва истеъодли талабалар билан ишлаш; илмий конференцияларда маъруза билан қатнашиш; илмий журналларда мақолалар чоп этиш; кўргазма ва танловларда иштирок этиш; илмий лойиҳаларда иштирок этиш; халқаро (импакт-факторли) нашрларда мақолалар эълон қилиш; ихтиро (патент), рационализаторлик тақлифлари, инновацион ишланмаларга муаллифлик қилиш; монография, муаллифлик ижодий ишлар каталогини тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; ўқув адабиётлари (дарслик, ўқув кўлланма, методик кўлланма)ни тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш учун химоя қилинган диссертацияга илмий раҳбарлик қилиш.

Педагог кадрларнинг мустақил малака ошириш натижалари электрон портфолио тизимида ўз аксини топади.

Мустақил малака ошириш даврида педагоглар асосий иш жойи бўйича педагогик амалиётдан ўтадилар. Педагогик амалиёт даврида педагог асосий иш жойи бўйича кафедранинг етакчи профессор-ўқитувчиларини 2 та дарсини кузагадилар ва тахлил қилдилар ҳамда кафедра аъзолари иштирокида талабалар гуруҳи учун 1 та очик дарс ўтказади. Очик дарс тахлили ҳамда педагог томонидан кузатилган дарслар ҳулосалари кафедранинг йиғилишида муҳокама этилади ва тегишли кафедранинг баённомаси билан расмийлаштирилади.

Дастурнинг ахборот-методик таъминоти

Модуллари ўқитиш жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа махсулотлари ва бошқа электрон ва коғоз вариантдаги манбаалардан фойдаланилади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. - Т.: "Ўзбекистон", 2011.
 2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга кураамиз. - Т.: "Ўзбекистон", 2017. - 488 б.
 3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз - Т.: "Ўзбекистон", 2017. - 592 б.
- ### II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
4. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2018.
 5. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида" ги Қонуни.
 6. Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида" ги Қонуни.
 7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги "Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ПФ-4732-сонли Фармони.
 8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қондаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ПҚ-2752-сонли қарори.
 9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида" ги 4947-сонли Фармони.
 10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизimini янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли қарори.
 11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сонли қарори.
 12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3276-сонли қарори.
 13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари

тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармони.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли Қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4391-сонли Қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5763-сон Фармони.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги «Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

Ш. Махсус адабиётлар

22. Ишмухамедов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар. – Т.: “Нихол” нашриёти, 2013, 2016. –279 б.

23. Креативная педагогика. Методология, теория, практика. / под. ред. Попова В.В., Круглова Ю.Г.-3-е изд. –М.: “БИНОМ. Лаборатория знаний”, 2012. –319 с.

24. Каримова В.А., Зайнутдинова М.Б. Информационные системы. – Т.: Aloqachi, 2017. – 256 стр.

25. Информационные технологии в педагогическом образовании / Киселев Г.М., Бочкова Р.В. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.: Дашков и К, 2018. - 304 с.

26. Даминов Т.О., Халматова Б.Т., Бобоева У.Р. Детские болезни. - Т., 2013

27. Даминов Т.О., Холматова Б.Т., Бобоева Ў.Р. Болалар касалликлари. - Т., 2012.

28. Детские болезни, под ред. А.А. Баранова. - М., 2010

29. Детские болезни, под ред. Н.П. Шабалова. - М., 2010

30. Детские болезни. Учебник в 2 томах. Запруднов А.М., Григорьев К.И., Харитонова Л.А. 2013.

31. Детские болезни, учебник. Н.А. Гелпе, 2018.

32. Педиатрия. Авдеева Т.Г. 2016

33. Natalie Denmeade. Gamification with Moodle. Packt Publishing - ebooks Account 2015. - 134 pp.

34. Paul Kim. Massive Open Online Courses: The MOOC Revolution. Routledge; 1 edition 2014. - 176 pp.

35. William Rice. Moodle E-Learning Course Development - Third Edition. Packt Publishing - ebooks Account; 3 edition 2015. - 350 pp.

36. English for academics. Cambridge University Press and British Council Russia, 2014. Book 1,2.

37. Nelson Textbook of Pediatrics, 20 edition. Robert M. Kliegman, Bonita Stanton, Joseph St. Geme. 2015.

38. Current essentials Pediatrics. Judith M.Sondheimer. 2015.

39. Textbook of Neonatology. Janet M. Rennie, fifth edition Churchill Livingstone ELSEVIER. 2015.

I. Интернет сайтлар

40. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги: www.edu.uz

41. Бош илмий-методик марказ: www.bimtm.uz

42. www.Ziyouet.uz

43. Infocom.uz электрон журналы: www.infocom.uz

44. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Мағбуот маркази сайти: www.press-service.uz

45. Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали: www.gov.uz

46. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari izohli lug'ati, 2004, UNDP DDI: Programme.www.lugat.uz, www.glossary.uz

47. Ўзбек интернет ресурсларининг каталоги: www.uz

48. Тошкент тиббиёт академияси: www.tma.uz

49. www.Medbook.ru

50. www.Medlinks.Ru

51. Scopus.com, web of sciens

"ИШЛАБ ЧИКИЛГАН":

Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларнинг таълим ва уларнинг маълумоти олиб бериш, шакллантириш ва таълим методлари ва усуллари бўлими раҳбари
Поймандонов
2019 й.

"КЕЛИШИЛГАН":
Соғлиқни сақлаш вазирлиги
Фан ва таълим Бош бошқармаси
Бошқарма бошлиғи **Ҳ.С.Исмаилов**
" " " " 2019 й.
М.У.

Директор
Т.Н.Туйчиев
2019 й.



Тошкент педпед институт академияси хузуридаги педагог кадрларнинг кайта тайёрлаш ва уларнинг маънавиятини ошириш тармоқ маркази
Директор
У.А.Татқенбаева
2019 й.